



halol.uz

## "E" коди ҳақидаги фатво

**Савол:** Хурматли Устоз! Аллох таоло умрингизни ва илмингизни янада зиёда килсин ва дин учун килаётган холисона хизматларингизда ўзи мададкор бўлсин.

Устоз яқинда бир биродаримиз чучка ёғидан тайёрланган "E" махсулотларининг жадвалини савол қилиб ёзган эди, (ҳозир у саволни ўчиртириб ташлаган). У жадвалда ёзилган кўп "E" коди жудаям куп махсулотларда мавжуд, масалан; (музқаймоқ, шоколад ва бошқа куп ширинликлар)нинг таркибида мавжуд. Тўғриси шу жадвални ўқиганимдан кейин ўша кодлар бор махсулотлардан шубхаланиб (чучка ёғидан экан) деб еёлмаймиз. Кейин биз интернетдан шу "E" коди хақидаги бир фатвони топдик, <http://www.umma.ru/fetva/604/printable/>.

Устоз энди биз шу фатвога асосланиб шубхалардан холи булиб, таркибида шундайин "E" кодлари булган махсулотлардан тановвул килсак бўладими? Фатвонинг русчадан таржимаси:

(1998 йилда Дублинда булиб ўтган Европа фатво буйича маслаҳтчилари йигинида ушбу

масала кўриб чикилиб, №19 фатво берилган.

**"ФАТВО: □ 19".**

("Бундай "Е" ракамли махсулотларнинг 350га якин хили бор, улар амалда консервантлар (кўшимча моддалар), ёки ранг берувчи ва ё махсулотларга там(маза) берувчи бўлиб кўлланилади. Бу "Е"кодли махсулотларнинг пайдо(хосил) булиши турт гурухга бўлинади.

1. Сунъий-кимий махсулотлардан келиб чиқиши;
2. Ўсимликлардан келиб чиқиши;
3. Хайвонлардан олинандиган махсулотлардан(гўшлари, ёғларидан) пайдо(хосил)бўлиши;
4. Таркибида спирт булган, эритма сифатида кўлланиладиган махсулотлардан келиб чиқиши;

Уларнинг ҳаммаси ҳам егуликларнинг таркибига таъсир килмайди. Биринчи ва иккинчи гурухга кирувчи моддаларнинг ҳукми ҳаммага тушунарли. Учинчи гурухга кирувчи моддалар хайвонлар таркибидан олинган булсада, кимий тозалашдан утгандан сунг уларнинг таркиби ўзгаради ва хайвонлардан келиб чиқиш хусусиятини(ўз кучини) йўқотади. Шунга ўхшаш ўзгаришлар бошқа турдаги моддаларга кўлланилганда махсулотлар таркибига таъсир килади ва бу моддаларни кўлласа бўлади, мисол учун "винони кайта ишланганда, у сирка булиб, озукавий моддага айланаши", ёки "эшакнинг туз конига тушиб кетиб ўлиб, бир канча муддат туз конида қолиб кетиб оқибатда тузга айланиб кетиши" бунга мисол була олади. Тўртинчи гурухга кирувчи моддалар озик-овкатларга ранг берувчи махсулотлар таркибига киради ва жуда оз микдорда кўлланилади. Шунинг учун ҳам буларга рухсат берилган (маъфуввун аънх). Яна("Уммул-бальва") ҳукмига ҳам тўғри келади. Бу нарсадан ўзни саклаб қолишлик жуда кийин масала, шунинг учун бу гурухдаги моддага чуқур қаралмайди.

Юкорида айтиб утилган махсулотлар мумкин эмас деган ҳукми уз ичига олмайди, аксинча бундай моддаларнинг егуликларга кўшилишига рухсат бор. Яна Исломи динининг энгиллик ҳукмларига кўра ва кўп динда чуқур кирмасдан бундай моддалар тақиқланмайди ва бу моддалардан фойдаланса бўлади.")

Устоз шу фатво тўғрими ва шу фатвога асосланиб амал қилсак буладими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат. АЛЛОХ(ж/ж) рози булсин.

**Жавоб:** - Европа фатво буйича маслаҳатчилари йигини эътиборли ташкилот ва фатволари макбул. (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф)